

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА  
ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН  
ШАХСЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ  
УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича услугбий қўлланма** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 20 б.

Мазкур услугбий қўлланма чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича муҳим маслаҳатларни тўплаб, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари ва мутахассисларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни фарзандларини таълим олиш тартиби, мактабга қабул қилиш учун аризалар олиш; экстернат тартибида имтиҳонлар олиш каби муҳим масалаларни қамраб олади.

**Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

# **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
Мактабгача ва мактаб таълими түғрисидаги қонунчиллик ҳужжатлар.....	5
Ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқни таъминлаш.....	6
Таълим тизимида давлат хизматлари кўрсатишни амалга ошириш босқичлари.....	11
Иловалар.....	14
Ижтимоий тармоқлардаги фойдали ҳаволалар.....	20

## **КИРИШ**

Бугунги кунда таълим маданиятни шакллантиришда, шахсни ривожлантиришда ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига юборган мурожаатномасида “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ягона тўғри йўли” деб таъкидлаган эди ва 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилишни таклиф қилди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида аҳолига таълимнинг барча бўғинларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, таълим тизимини янада юқори сифат даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу тамойилда ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишини таъминлаш тўғрисида амалий тавсиялар берилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

# МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТҮФРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг “Таълим  
түфрисида”ги қонуни



Ўзбекистон Республикасининг  
“Ўзбекистон Республикасида чет эл  
фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган  
шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати түфрисида”ги  
қонуни



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон  
Республикасида чет эл фуқаролари ва  
фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш  
тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари  
түфрисида”ги қарори



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими  
тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада  
такомиллаштириш түфрисида”ги қарори



# ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚНИ ТАЪМИНЛАШ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришда **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат ҳуқуқий меъёrlар орқали муайян чегараларни белгилайди, балки бутун таълим жараёнининг заминини ташкил этувчи асосий тамойилларни ҳам мустаҳкамлаб беради. Конституция қонунчиликдаги барча жараёнларнинг доимий таянч нуқтаси бўлиб, таълим тизимининг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашга хизмат қилади

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг** янги таҳририда таълим масалаларига бағишлиланган алоҳида модда мавжуд. **IX бобнинг 50-моддасига** кўра, ҳар бир шахс тўғридан-тўғри таълим олиш ҳуқуқига эга, давлат узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришни таъминлайди, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шароитлар яратади, умумий ўрта ва бошланғич касб-хунар таълимининг бепул бўлишини кафолатлади.

Конституцияга таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги модданинг киритилиши фуқаролар учун **кўпгина афзалликларни** яратади:

## АФЗАЛЛИКЛАР

бу таълимни инсоннинг **асосий ҳуқуқи** сифатида қабул қилишни кучайтиради.

бу барча фуқаролар учун таълим олишда кўпроқ **тенг имкониятлар яратишга ёрдам беради** ва ижтимоий тенгизлизикни камайтиради.

ушбу ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши унинг янада **ишончли ва барқарор ҳимоя қилинишини** таъминлайди

аниқ меъёр ва тамойилларга асосланган **қулай таълим мухитини** яратишга ёрдам беради

## Таълим тўғрисидаги қонун

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун 2020 йил 23 сентябрда қабул қилиниб, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибига тартибига солишга қаратилган.

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Унда, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, **ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади**



Таълим олиш ҳуқуқи: таълим ташкилотларини ривожлантириш, таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ўкув дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилади, умумий ўрта, ўрта маҳсус таълимни ва бошланғич профессионал таълимни бепул олиш, **чет эллик фуқаролар** Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар** таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

# **Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини давлат томонидан тартибга солиш**

“Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2021 йил 4 июнда қабул қилинган бўлиб, қўйидаги тушунчаларни белгилайди:

## **Тушунчалар**

**чет эл фуқароси** — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс

**фуқаролиги бўлмаган шахс** — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс

Қайд этилганидек, ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, уларга сиёсий бошпана бериш, уларнинг Ўзбекистон Республикасида кириш ва чиқишилари, давлатимиз ҳудуди орқали транзит ўтишлари ва қоидаларини бузган ҳолда жавобгарлиги, меҳнат фаолияти ва бошқа ҳуқуқлари батафсил белгиланган. Бундан ташқари, Қонун билан меҳнат муносабатлари соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг шаффоф ва очик тартибини яратилади, **чет эл фуқароларининг давлат хизматларидан кенг фойдаланиш имконияти берилади.**



Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишга масъул бўлган қўйидаги ваколатли давлат органлари мавжуд:

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;**
- **Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;**
- **Ички ишлар вазирлиги**
- **Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги**



**! Маълумот учун:** Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган **тартибда аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ўз ваколати доирасида қўйидагиларни амалга оширади:

бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини **таъминлайди**;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъминоти тартибини **белгилайди**;

 чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиласди;

 бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиши тартибини **белгилайди**;

**Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги** ўз ваколати доирасида қўйидагиларни амалга оширади:

 чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи **тасдиқномаларни беради** ҳамда уларнинг муддатини узайтиради;

*Шу билан бирга ушбу қонунинг 18-моддасида бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.*

**Ички ишлар вазирлиги** ўз ваколати доирасида қўйидагиларни амалга оширади:

 чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг марказлаштирилган ҳисобини ҳамда **ягона маълумотлар базасини** юритиши;

 чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан риоя этилиши устидан **назоратни амалга ошириш**.

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 июндаги “Халқ таълими тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-295-сон қарорига мувофиқ

**Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар  
фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш  
босқичлари**

**қабул қилиш учун аризалар олиш бўйича  
давлат хизмати кўрсатиш**

**мактабга ўқиш учун қабул қилиш бўйича махсус комиссия  
тузиш тартиби, унинг таркиби ва вазифалари**

**давлат хизматидан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш,  
сўровномани электрон равишда тўлдириш ва тасдиқлаш;**

**ариза берувчига умумий ўрта таълим муассасасига қабул  
қилиш бўйича йўлланмани расмийлаштириш ва шартнома  
тузиш тартиби**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали фарзандини давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш учун **ариза олиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди**.

давлат хизмати кўрсатилгани учун ариза берувчидан **йиғим ундирилмайди**.

хизмат кўрсатиш **7 иш** кунини ташкил этади



Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун **ЯИДХПдан рўйхатдан ўтади;**

- Ариза берувчи ЯИДХП орқали **сўровномани** электрон равища мустақил тўлдиради;
- Ариза берувчи сўровномага киритилган **маълумотларнинг текшириб, сўровномани тасдиқлайди;**
- Худудий халқ таълими бошқармалари ҳузурида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича **5 кишидан иборат таркибдаги Махсус комиссия тузилади;**

### **Махсус комиссиянинг вазифалари**

**тегишли давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилишга йўлланма бериш**

**Йўлланма беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

➤ Махсус комиссия ҳужжатларни ўрганиш жараёнида уларга **аниқлик киритиш** мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга сўров хатлари юборади;

➤ Ариза берувчи томонидан қўйидаги ҳужжатлар илова қилинмаган тақдирда, давлат хизматини кўрсатиш рад этилади:

- **урганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган маълумот ҳақида ҳужжат (1-синфга қабул қилинаётган болалар бундан мустасно);**
- **урганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржимаси (1-синфга қабул қилинаётган болалар бундан мустасно);**
- **соғлиғи тўғрисида тиббий хулоса.**

**❗ Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.**

➤ Ариза берувчи мазкур давлат хизматини кўрсатишга масъул бўлган ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда **шикоят қилишлари мумкин**.


Таъкидлаш жоизки, "Таълим тўғрисида"ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат таълим министри таъминлаш соҳасида ягона давлат таълим тизимини амалга оширишни таъминлаш ҳамда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида **Халқ таълими тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

# ИЛОВАЛАР

1-илова

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш учун аризалар олиш бўйича давлат хизмати кўрсатиш

## СХЕМАСИ



3-БОСҚИЧ

Худудий халқ таълими  
бошқармалари

1. Ариза берувчининг сўровнома бўйича ҳужжатларини кўриб чиқиш.
2. Давлат умумий ўрта таълим муассасасига қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Сўровнома тасдиқлангандан  
сўнг 7 кун ичидаги

4-БОСҚИЧ

Ариза берувчи

Давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича йўлланма берилгани ёки йўлланма беришни рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотни Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Халқ таълими вазирлигининг электрон хизматлари портали орқали автоматик тарзда тизимдан юклаб олиш.

Қарор қабул қилингандан кейин

*Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш учун аризалар олиш бўйича*

## СЎРОВНОМА

<b>I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:</b>
<b>1. Фамилияси</b>
<b>2. Испоми</b>
<b>3. Отасининг исми</b>
<b>4. Фуқаролиги</b>
<b>5. Идентификация ID-картаси маълумотлари (ЖШШИР)</b>
<b>6. Яшаш учун рўйхатдан ўтган манзили</b>
<b>7. Визасининг амал қилиш муддати</b>
<b>8. Телефон рақами</b>
<b>II. Ариза берувчининг фарзанди тўғрисида маълумот:</b>
<b>1. Фамилияси</b>
<b>2. Испоми</b>
<b>3. Отасининг исми</b>
<b>4. Идентификация ID-картаси маълумотлари (ЖШШИР)</b>
<b>5. Визасининг амал қилиш муддати</b>
<b>6. Туғилган санаси</b>
<b>7. Ўқиган давлати</b>
<b>8. Тугатган (ёки ўқиётган) синфи</b>
<b>9. Ўқиган таълим тили</b>
<b>10. Ўқиган чет тили</b>

### **III. Илова қилинадиган ҳужжатлар**

- 1. Ўрганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган маълумот ҳақидаги ҳужжатни сканер қилиниб, pdf форматида сақланган нусхаси**
- 2. Ўрганилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилиб тасдиқланган ҳамда сканер қилиниб, pdf форматида сақланган нусхаси**
- 3. Ўқувчининг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса сканер қилиниб, pdf форматида сақланган нусхаси**
- 4. Ариза берувчи боланинг ота-онаси ўрнини босувчи шахслар бўлган тақдирда, уларнинг қонуний вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат**

*Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини  
Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасасига  
ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш бўйича*

**НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

20\_\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани(шахар) \_\_\_\_\_-сонли давлат умумий ўрта таълим муассасаси (кейинги ўринларда — Мактаб) номидан мактаб Устави асосида фаолият юритаётган муассаса директори \_\_\_\_\_ бир томондан,  
Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасасига ўқишга қабул қилинаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс (кейинги ўринларда — ўқувчи) номидан унинг отаонаси (ёки унинг қонуний вакили) \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, якка тартибда «Томон» деб аталади, ушбу шартномани қуйидагилар ҳакида тузиши:

**I. Шартнома предмети**

Мактаб ва ота-она ҳамкорликда ўқувчининг ёшига ва олдин эгаллаган билимiga мутаносиб равиша уни умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ўқитишни ўз зиммасига олади.

**II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Мактабнинг хукуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. Ўқувчининг ёшига ва олдин эгаллаган билимiga мутаносиб равиша умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ўқитишни таъминлаш, уларда билим олиш талабини ривожлантириш.

2.1.2. Ўқувчida бирламчи меҳнат кўникмаларини шакллантириш, уни мустакил ижодий фикрлашга ўргатиш, атроф оламга ҳамда қасб танлашга онгли равиша ёндашишни тарбиялаш.

2.2.2. Ўқувчини мактаб Устави, мактабнинг ички тартиб қоидалари, ўқув режаси ва дастурлари билан ёзма равиша танишириш.

2.2. Ота-она ва ўқувчининг хукуқ ва мажбуриятлари:

2.2.1. Ўқишига кириш учун мактабга қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

ота-онасининг уни мактабга қабул қилиш тўғрисидаги аризаси;

ўқитилган фанлар ва улар бўйича имтиҳонларда олинган баҳолар (баллар) кўрсатилган маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари;

соғлиғи тўғрисидаги тиббий хуроса.

2.2.2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар талабларига риоя қилиш, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ҳамда анъаналарини хурмат қилиш, республикада ўрнатилган хорижий фуқароларнинг яшаши ҳамда ҳаракат қилиши қоидаларини бажариш.

2.2.3. Мактабда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш, ўқув режаси ва дастурида кўзда тутилган барча турдаги ўқув топшириқларини бажариш, ўз вақтида имтиҳон ва синовларни топшириш.

2.2.4. Мактаб маъмурияти топшириқлари ҳамда буйруқларини бажариш.

2.2.5. Мактаб мулкига зарар келтирилганда, уларни қоплаш.

2.2.6. Ўқувчининг яшаш манзили ва вақтинча яшаш муддати ўзгарганда, мактаб раҳбариятига маълум қилиш.

### **III. Томонларнинг жавобгарликлари**

- 3.1. Мактаб қуидаги сабаблар асосида ўқувчини ўқувчилар сафидан чиқариши мумкин:  
Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузганлиги учун;  
Мактаб устави ва ички тартиб қоидаларга риоя қилмаганлиги учун;  
Ўқувчининг яшаш манзили ўзгарганлиги сабабли ёки бошқа сабабларга кўра бошқа мактабга кўчирилганлиги учун.
- 3.2. Томонлар орасида келишилмовчиликлар юзага келганда, улар ўзаро ҳурмат асосида музокара йўли билан, бунинг имкони бўлмагандан қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### **IV. Якунловчи қоидалар**

- 4.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан кучга киради.
- 4.2. Ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш томонларнинг вакиллари томонидан ёзма равишда амалга оширилиб, имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.
- 4.3. Ушбу шартнома ўзбек тилида уч нусхада имзоланди.

### **V. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари**

Давлат умумий ўрта таълим му?  
ссасаси номидан:

---

---

---

Ўқувчи (ота-онаси ёки қонуний  
вакили) номидан:

---

---

---

# **ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ФОЙДАЛИ ҲАВОЛАЛАР**



**Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача ва мактаб  
таълими вазирлиги**



**Ташқи меҳнат  
миграцияси агентлиги**



**Ягона интерактив давлат  
хизматлари портали**